

Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш сари яна бир муҳим қадам



ФРАКЦИЯ ҲАЁТИ

Маълумки, Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, Парламентнинг ўрни ва ваколатларини янада кенгайтириш, унинг Вазирлар Маҳкамаси устидан назорат функцияларини кучайтириш, жамоатчилик назоратининг савияси ва самарасини ошириш каби ҳозирда долзарб масалаларга алоҳида эътибор берилган эди.

► Давоми. Боши 1-бетда.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасининг ижро этувчи ҳокимият устидан парламент ва жамоатчилик назоратини таъминлаш юзасидан яхлит тизим шакллантирилишини назарда тутувчи, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг ҳуқуқларини анча кенгайтирувчи қоидаларига эътибор қаратдилар.

ЎзХДП фракцияси аъзолари муҳокама чоғида давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари миллий давлатчилигимиз ва сиёсий тизимни янада мустаҳкамлашда, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим аҳамиятта эга эканлигини алоҳида қайд этдилар.

Мажлисада мазкур қонун лойиҳасининг киритилиши «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш

концепцияси»га мувофиқ амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг ҳуқуқий ва мантиқий давоми эканлиги таъкидланди.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасининг ижро этувчи ҳокимият устидан парламент ва жамоатчилик назоратини таъминлаш юзасидан яхлит тизим шакллантирилишини назарда тутувчи, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг ҳуқуқларини анча кенгайтирувчи қоидаларига эътибор қаратдилар. Бош вазир лавозимига номзод Ўзбе-

кстон Республикаси Олий Мажлисида унинг номзоди кўриб чиқилаётган ва тасдиқланаётганида Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этиши ҳақидаги норманинг конституциявий мустаҳкамлаб қўйилиши сиёсий партияларга ҳукуматнинг тутган йўли ёки дастурининг айрим қоидаларига нисбатан ўз нуқтаи назарини аниқ белгилаб олиш имконини беради.

Ушбу нормалар демократик жамиятнинг муҳим таркибий қисми бўлган кўшпартиявийлик тизимини ва партиялараро рақобатни, фракциялараро курашни янада мустаҳкамлаш борасида ғоят муҳим аҳамиятта эга.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фракция аъзолари қонун лойиҳасини тўлиқ қувватлаган ҳолда, уни Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи йиғилиши муҳокамасига биринчи ўқишга киритиш лозимлиги ҳақида тегишли қарор қабул қилдилар.

Тўлқин ТЎРАХОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ

XXI асрга келиб, дунёнинг мафкуравий қиёфаси бутунлай ўзгариб кетди. Инсон онги ва қалбини эгаллаш, маънавий жиҳатдан қул қилишга интилиш тобора зўрайиб бормоқда. Бундай бир таҳликали замонда фақат юксак маънавият, маърифат билангина ўзлимизни асраб қолиш мумкин.

«Юксак маънавият билан ёт вояларга қарши курашамиз»

Фаргона вилоятининг Олтиариқ туманидаги «Чинортаги» маҳалла фуқаролар йиғинида Ўзбекистон ХДП вилоят, Фаргона шаҳар ҳамда Олтиариқ туман кенгашлири томонидан Маънавият-тарғибот маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилган давра суҳбати ана шу мавзуга бағишланди. Унда ёшларнинг диний экстремизм ва ёт ғояларга қарши иммунитетини кучайтиришнинг турли жиҳатлари хусусида эркин фикр алмашилди.

Ваҳобжон АЗИМОВ,

Маънавият-тарғибот маркази Олтиариқ туман бўлими раҳбари:

— Миллий мафкурамизга ёт, бегона ғоялар жамиятга ўз-ўзидан кира олмайди. Унинг ташкилотчилари, тарғиботчилари бўлади. Улар, аввало, миллат ардоқлаб келган мерос ва қадриятларга зарба беришга уринади. Бунинг учун миллий қадриятларни обрўсизлантиришга ҳаракат қилади. Шу орқали мафкуравий иммунитетни синдиришнинг биринчи босқичи амалга ошади. Бундай тарғибот

таъсирини тушганлар ажодлари қадрлаб келган ғоялар, қадриятларга бефарқ бўла бошлайди. Уларнинг назарида бу қадриятлар ўз замонида мос бўлмаган, аҳамиятсиз нарсаларга айланиб қолади. Бўшлиқ шу услубда яратиб олинади ва бу бузғунчи ғоялар кириб келишига йўл очади. Биз тарғибот ишларимизда масаланинг ана шу жиҳатларини ҳисобга олмоғимиз керак.

Бунёд АҲМАДАЛИЕВ,

Ўзбекистон ХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Фаргона шаҳар кенгаши етакчиси:

— Президентимиз «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарида «Маънавият — инсонни руҳан поклаши, қалбни улғайтириш, чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бакувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекбёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир», деб таъкидлайди. Демак, ҳар қандай ёт ғоя, бегона мафкурага қарши юксак маънавият билан курашиш керак бўлади.

Бундан ташқари, тенгдошларимизни сиёсий партиялар фаолиятига қизиқтириш, сиёсий жараёнларда иштирокини фа-

оллаштириш ҳам ёт ғояларга қарши курашишнинг муҳим воситаларидан биридир. Биз шуни ҳисобга олиб, ёшларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий маданиятини юксалтириш мақсадида турли лойиҳаларни амалга оширялганмиз. «Маънавиятимизга таҳдид — ўзлимизга ва келажакимизга таҳдид» мавзусидаги давра суҳбатларини чекка-чекка ҳудудларда ҳам изчил давом эттириш, «Ёш сиёсатчилар» клубини бошланғич партия ташкилотларида ташкил этиш ҳамда иқтидорли ёшларни ижтимоий-ҳуқуқий томондан қўллаб-қувватлаш ўзининг яхши натижаларини беради, деб ҳисоблайман.

Дилнавоз КҮЛДОШЕВА,

«Зулфия» номидаги давлат мукофоти совриндори:

— Мамлакатимиздаги барча ўзгаришлар замирида, аввало, жисмонан соғлом, чуқур билим, замонавий касб-хунар эгаллаган, интеллектуал салоҳияти юксак авлоднинг тарбиялашдек улуғ мақсад мужассам. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз — мамлакатимизнинг буюк келажак ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг

XXI асрда ҳақон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси, аввало, ламбор, янги авлод, унибўйиб келаятган ёшларнинг қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқ.

Биз ёшларга яратилаётган имкониятлар жуда катта. Шу боис тенгдошларда ана шу имкониятлардан самарали фойдаланиш иштиқини кучайтиришга ҳаракат қилишимиз керак.

Севара ЮРСУНОВА,

Олтиариқ иқтисодий касб-хунар коллежи битирувчиси, «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли:

— Ўзи севган касбга эга бўлган, орзу-ҳавас билан яшаётган ёшлар бегона мафкурага эргашмайди. Урта-маҳсус таълим муассасаларини битириб, олий ўқув юртиларга кира олмай ёшларни иш билан таъминлаш шунинг учун ҳам жуда муҳимдир. Мафкура хуружларига қарши тарғибот ишлари изчил

олиб борилгани яхши. Аммо шу билан бирга бандликни таъминлаш, тенгдошларимизни ўз соҳаси бўйича янгиликлар яратиб илҳомлантириш, улар ўз истеъодларини маған ёшларни иш билан таъминлаш мафкура хуружларига қарши курашларида ҳам самарали усулларида, деб биламан.

Тадбирда сўзга чиққанлар, шунингдек, ёш авлод қалби ва онига она юртга муҳаббат дўстларини чуқур сингирдиш бугун тобора долзарб аҳамият касб этиб бораётгани ҳам таъкидланди. Ташкилотчилар мафкуравий таҳдидларга қарши бу каби маънавий-маърифий давра суҳбатлари, очик, жонли мулоқотларни тизимли равишда ўтказишга келишиб олдилар.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Жараёнларнинг кузатувчиси эмас

иштирокчиси бўлишимиз талаб этилмоқда



ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан партиянинг парламентдаги фракцияси ва Хоразм вилоят кенгаши ҳамкорлиқда ташкил этган «Худудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросини таъминлашда партиянинг амалий иштирокини кучайтириш» мавзусида ўтказилган семинарда ҳам ҳар бир партия аъзоси, партиядан сайланган депутатларнинг мазкур жараёнларга дахлдорлигини янада ошириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Рустам КАМИЛОВ, ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:

— Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида билдирган фикрлари, «Соғлом бола йили» давлат Дастурида кўзда тутилган вазифалар ижроси бевосита электротимизга дахлдордир. Бу эса мазкур йўналишдаги фаолиятимизни янада такомиллаштиришни, янги босқичга олиб чиқишни талаб этади. Бу борада, айниқса, жамоатчилик назоратидан самарали фойдаланишимиз лозим. Депутатлик назорати — бу бизнинг катта имкониятимиз.

Мамлакат тақдирини дахлдор масалаларда аниқ тақлифлар, аниқ механизмлар ишлаб чиқиш зарур. Мисол учун, жойлардаги Жамоатчилик қабулхоналарига бўлаётган муурожаатлар ечимини олиб кўрайлик. Бунда кўпинча эътиборни бир шахсга — муурожаат қилаётган фуқаро муаммосига қаратялмиз. Аслида бир йўналишга алоқадор муурожаатларни яхлитлаштириш, мазкур муаммоларни чуқур

ўрганиш ва масалани комплекс ҳал этишга киришиш керак. Муаммоларни доимий комиссиялар, сессиялар кун тартибига олиб чиқиб, маҳаллий доирада бўлса ҳам умумий ечимини топишга интилишимиз лозим.

Бироқ айрим депутатлар бу борада сусткашликка йўл қўймоқда. Айтиш керакки, халқ депутатлари Хоразм вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги 125 нафар депутатимиз ўтган йил давомида бор-йўғи 16 марта депутатлик сўрови билан чиққан. Ачинарлиси, Гурлан, Шовот, Урганч туманларида партия гуруҳларимиз бирорта масалани сессиялар кун тартибига киритмаган.

Ишга бўлган бундай муносабатни ўзгартириш вақти келди. Буни ислоҳотлар жараёни, қолаверса, ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда.

Хайрулла РЎЗМЕТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Мамлакат миқёсидаги ёки худудий ривожлантириш дастури бўладими, ҳар бири партия гуруҳларимиз назоратида бўли-

ши керак. Хусусан, «Соғлом бола йили» давлат Дастури амалиёти ҳам аллақачон бошлаб юборилган. Партиямиз дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, бевосита ана шу жараёнлар ичида бўлишимиз зарур. Асосий эътибор давлат дастурининг жойларда қандай бажарилаётганига қаратилиши мақсадга мувофиқ. Дастур ижроси пайсалга солиняптими? Бунинг сабаби нимада? Ижро органлари нега жиддий эътибор бермапти? Маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз ана шундай сўрашларга бефарқ қарамасдан, бу масалаларни ўрганиб, маҳаллий кенгашлар сессияларига олиб чиқишлари, ижросини назорат қилишлари, бу борада маҳаллий ҳокимият раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиб бориши лозим.

Ҳакимбой ХУДОЙНАЗАРОВ,
Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси:

— Кучли ижтимоий ҳимоя — бу, аввало, муқим иш ўрни деганидир. Бугун касб-хунар коллежларида таҳсил олаётган ёшлар ўзлари танлаган касби бўйича доимий иш ўрнига эга бўлиши учун нималарга эътибор беришимиз керак? Биринчи навбатда, биз касб-хунар коллежи битирувчиси билан иш беришни ўртасида имзоланадиган уч томонлама шартноманинг шунчаки қозғоларда қолиб кетмасдан, аниқ ижро этилишига эришишга ҳаракат қилаялмиз. Бунинг учун шартноманинг асоси бўлган — иш бериувчининг касб-хунар коллежлари битирувчиси билан ишлаб чиқариш амалиёти даврида қандай эътибор берилаётганини ўрганаёлгимиз. Таҳлилларга қўра, барча касб-хунар коллежи битирувчиси ишлаб чиқариш амалиётини тўлиқ ўтамаётгани аниқланмоқда. Жорий йилда партия гуруҳимиз билан ана шу йўналишдаги ишларимизни янада жадаллашти-

ришни мақсад қилганмиз. ...Семинарда, шунингдек, вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳолининг, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни иш билан таъминлашда худудий ва маҳаллийлаштириш дастурларининг аҳамияти, бу жараёнда депутатлик назоратининг ўрни, мавжуд камчиликлар аниқ мисоллар воситасида таҳлил этилди.

Айтиш жоизки, ўтган йили сааноат соҳасини, оливий тадбир-

да таъкидланди. Раимберган САБУРОВ,
ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари:

— Ҳозирда партия гуруҳлари ваколатлари янада кенгайиб бормоқда. Бу ўз навбатида зимамиздаги масъулиятни оширади. Биз халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларида кўпчилик депутатлик ўринларига эгамиз. Демак, худудларни ижтимоий-иқтисодий ри-



корликни ривожлантириш бўйича яратилган қўлай имкониятлардан ҳамма жойда ҳам бирдек, оқилона фойдаланилмаган. Баъзи туманларда 2013 йили маҳаллийлаштириш дастурига бирорта ҳам лойиҳа киритилмаган. Айрим худудларда санонат маҳсулотлари ва истеъмол моллари ишлаб чиқариш камайиб кетган. Семинарда ушбу худудлардаги партия гуруҳлари бу каби муаммолар ечимини бўйича тақлифлар бериши, керак бўлса, маҳаллийлаштириш дастурига муқобил лойиҳалар киритиши зарурлиги, жорий йилда бу борадаги ишларни янада кучайтириш лозимлиги алоҳи-

вожлантириш, ўз дастурий мақсадларимизни амалга ошириш учун кучимиз ҳам, имконияти ҳам етди. Бугунги семинарда камчиликларимизни таҳлил қилдик, хатоларимиздан хулоса чиқардик...

Дарҳақиқат, семинарда ташкирланган фикрлар, ўртага ташланган тақлиф-мулоҳазалар худуддаги партия гуруҳлари ишини аниқ мақсадга йўналтиришга, айниқса, «Соғлом бола йили» давлат Дастури ижросида фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилади.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

► Давоми. Боши 1-бетда.

Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!

ҚАДРИЯТ — ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

Президентимизнинг «2014 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарориди Наврўз байрамининг маънавий ҳаётимиздаги ўрни, унинг инсон қалбида эзгулик, меҳр-оқибат, бағрикенглик каби туйғуларни уйғотиши, жамиятда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаши, ёшларимизни миллий қадрият ва аъёнларимиз руҳида камол топишидаги аҳамияти алоҳида кўрсатилган.

Бу ҳақда биз тарих фанлари доктори, профессор Адҳам АШИРОВ билан суҳбатлашдик.

— Минг йиллар давомида халқимиз Наврўзи оламни интизорлик билан кутган...

— Бугунги тарихий бир жараёнда жохон илм-фан аҳли ўзбек халқининг тарихи инсоният ибтидоси билан тенгдош эканлигини, Ўзбекистон давлатини эса ўзига хос қадимий бошқарув аъёнларига эга бўлган юрт сифатида эътироф этмоқда. Мамлакатимизда умуммиллий қадриятларимиз, буюк аجدларимиз мероси ҳамда ўтмиш тарихимизни ўрганиш борасида асрларга татигулик ишлар қилинмоқда. Истиқлол туфайли халқимизнинг бой миллий мероси қайта тикланмоқда, уларга янгидан ҳаёт бахш этилмоқда.

Наврўз бирон бир санани нишонлаш эмас. У табиатнинг ўзидан келиб чиққан, куну тун тенглашгандан сўнг, энди кунларнинг узайиши, умумхалқ ҳашарлари, бунёдкорлик, ободлик арафасидаги байрамдир. Шу боис Шарқда деҳқонлар ҳам, чорвадор хўнарандорлар ҳам узоқ қушдан сўнг кўкда қўёнинг юз кўрсатиши, қирда майса-ғибҳларнинг ниш уриб чиқишини байрам қилишган. Негаки, ўтган йилги йилгилан галла ва барча озик-овқат маҳсулотларининг охири кўринган пайтларда Она табиатнинг ўзи меҳр-муруват кўрсатиб, ёруғ кунлардан дарак берган.

Умуман олганда, Наврўз байрами асосан Шарқдаги асосий машғулотни ўтқор деҳқончилик бўлган халқлар орасида кенг нишонланган бўлиб, уларнинг тасаввурига кўра, бу кун фақат дам олиш, кўнгли очиб ва кўнгли олиш кунларига бўлиб қолмай, меҳнат байрами ҳам саналган. Айнан шу кунда деҳқончилик, боғдорчилик, гуллар экиш ишлари бошлаб юборилган. Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асариди ёзилишича, ўрта асрларда Бухорода бу байрам «Наврўзи кишаворзон» — деҳқонлар байрами дейилган. Заҳматкаш деҳқонлар айнан ушбу кун далага қўш чиқариб, дастлабки уруғни ерга қадаганлар. Ерни ҳайдашдан олдин ҳўкизларнинг шохлари ва бўйинтуруғини ёғ билан мойлаганлар. Кекса отахонларнинг таъкидлашларича, мазкур одат замирида дўхиз йил бўйи ҳўрмай-толмай ишласин, деган ният мужассамлашган экан.

Наврўз ўзининг қарийб 3000 йилдан зиёд тарихи мобайнида барча ижтимоий табақаларга тааллуқли байрам сифатида нишонланган. Наврўз бутун халқ, ҳўкмдорлардан тортиб оддий одамларнинг тасаввур ва эътиқолида муқаддас бир тушунчадек шаклланган кўтлуг байрамдир.

— Кимдир бу айёни ёшариш, янгиланиш байрами деса, ким...

дир меҳр-муруват, саховат палласи дейди.

— Башарият тарихида Наврўздан қадимийроқ байрамни топиш қийин. Унинг илдиэлари неолит даврига бориб тақалади. Наврўз байрамини нишонлаш одамларнинг Ер, унинг коинотдаги ўрни ҳақида мулоҳаза юрита бошлаган даврига тўғри келади. Бошқача қилиб айтганда, Наврўз Ер ҳақидаги дастлабки илмий-географик тасаввурлар пайдо бўлган замонлардан бошлаб шаклланган. Дастлаб Наврўз байрамини ўтказиш ўтқор деҳқонлар орасида расм бўлган, кейинчалик улар орқали ярим ўтқор ва кўчманчи халқларнинг ҳам урф-одатлари айланган. Бугунги кунда Наврўзнинг 3 минг йилдан ошқ тарихи ва у бизнинг ўлкаимизда пайдо бўлганлиги илмий жиҳатдан исботланган. Абу Райҳон Беруний, Абу Мансур Солибий, Жўзи Басрий, Умар Хайёмларнинг тарихий, илмий ва адабий асарларида Наврўзнинг келиб чиқиши, унинг ўзига хос қадимий маросимлари тўғрисида қизиқарли маълумотлар мавжуд.

Наврўз келиши билан табиат уйғона бошлайди, ер бағридаги барча кўрғак кумурсқалар, ўсимлик ва ўт-ўланларнинг жонлишиши рўй беради. Бундай янгиланиш жараёнининг бошланиши Кўёш йили ҳисобида 21 мартга тўғри келган ва биринчи янги кунни Наврўз деб атаганлар.

Наврўзнинг пайдо бўлиши қўёшнинг ҳамал буржиги кириши, кеча ва кундузнинг вақт жиҳатидан баробар бўлиши, кундузнинг узая бориши, табиатда жонланганининг бошланиши баҳорнинг келиши билан бевосита боғлиқ...

Хитой муаррихларидан бири Вей-Цзе қадимги самарқандликларнинг Наврўзи ҳақида шундай ёзган: «Олтинчи ойнинг биринчи кунини уларда йилбоши ҳисобланади. Уша кунни подшо ҳам, халқ ҳам ўзларининг янги либосларини киядилар, соч-соқолларини олдиришади. Улар шаҳарнинг кунчиқар тарфида бир дарахтзор ёнидаги майдонда тўпланишиб, байрам қиладилар. Етти кун мобайнида моҳир тирандозлар от чоптириб туриб, ўз камонларидан нишонни мўлжаллаб ўқ отиш баҳсида қатнашадилар. Еттинчи кун нишон ўрнида олтин танга қўйилади ва уни беҳато тугдан мерган



бир кун шўхлик қилиш ҳўқуқини қўлга киритади. Улар Кўк Тангрини мўътабар тутадилар ва унга ўз эҳтиромларини ифода этадилар».

Қадимдан Ўрта Осиё ва Эронда Наврўз нафақат халқ, балки давлат байрами сифатида ҳам нишонланган. Умар Хайёмнинг «Наврўзнама»-сида таъкидланишича, илк баҳор байраминида Ажам подшоҳлари барча замонларда илжои борича дастурхонни яхшироқ бекетишни одат қилганлар. Турли хилдаги таомлар байрам қатнашчиларига тортиқ қилинган.

— Биламизки, қадимги халқлар Наврўз байрамини оилаб тайёргарлик кўришган. Манбаларда келтирилган дауимларнинг кўпчилигида ҳозиргача амал қилинса, айримлари бизгача сақланмаган.

— Наврўз билан боғлиқ ўнлаб маросимлар кўпгина халқлар, хўсузан, ўзбек халқи турмуш тарзида ҳанузгача сақланиб келмоқда. Жумладан, деҳқонлар ҳаёти, меҳнати ва ҳўсилни йиғиши билан боғлиқ ҳолда ўтказиладиган байрамларнинг кўпчилиги бевосита зардуштийлик аъёнлари билан боғлиқдир. «Авесто»да «Узоқ замон экилмаган ва омон тегмаган замин бахтсиздир, у омончи орзу қилад

ди. Бундай замин балоғат палласига кирган соҳибжамол қиздир. Бу қиз фарзанд кўриш ва яхши ёстикдошга интиқдир. Қачонки эгитларда уруғ етилса, девлар ўринларидан кўпадилар. Яна айтадилар, «Қачонки бугдой гурқираб кўкарса, девлар даҳшатдан титрай бошлайдилар. Қачонки бугдой ун бўлса, девлар нола чекадилар. Қачонки бугдой хирмонга уюлса, девлар ноубуд бўладилар. Қай бир хонадонда бугдой бош чиқарса, у хонадонда девлар яқинлаша олмайд

ди». Деҳқонлар ерга уруғ қадаши муносабати билан «Далага қўш чиқариш»,

«Шохмой», «Экин сайли», «Кўш оши» номлари билан юритилувчи махсус маросимлар ўтказганлар. Ҳўсилни йиғиб олишда эса «Она бугдой», «Хирмон тўйи», «Ҳўсил байрами» каби тантаналар бўлган. «Она бугдой» маросимида охириги тутам бугдой «Она бугдой» деб аталиб, ўриб олинганидан сўнг махсус тутам хонадонга олиб борилиб, унинг тўрига осиб қўйилган ва кўклагача авайлаб сақланган. Баҳорда унинг бир қисмидан нон ёпилиб, далага дон сепишга чиққан деҳқонларга улашилган. Қолган қисмидан эса уруғлик сифатида фойдаланилган. Галлакорлар «Она бугдой»дан тайёрланган нонни еб: «Бу йил ҳам ҳўсил мўл-кўл бўлсин!», «Она бугдой ўзи қўласин!», «Бободехқон моладор бўлсин» дея дўа қилиб, қолган донни уруғлик сифатида сепганлар. Нон қадри тушунчаси халқ назарида замин, она ер, коинот, меҳнатта муносабат, инсон шаъни билан чамбарчас боғлиқ ҳолда келади.

— Наврўз ўз аъёнлари, қадимий ўйинлари билан янада шўхлиқдир. Бу қадриятлар инсонни улугликка, бахтёр ҳаёт кечиршига чорлайди. Наврўзнинг ҳикмати нимада?

— Наврўз Баҳор фаслининг бошланиши, аникроги тенгқунлик тантанасидир. Бошқача айтганда, Наврўз фаляхият илми билан боғлиқ. Чўнки ривоятлардаги «Ҳамал», «Бурж», «Йил боши» каби тушунчалар бевосита Ер ва унинг Кўёш тизимидаги ҳаракати, вақтни белгилашга бориб тақалади. Наврўз, янгиланиш, янги кун, янги ҳаёт рамзи бўлиш билан бирга, поклик ва шодлик, маънавият ва бирдамлик тантанасидир. Шундай экан, Наврўзи олам доимо халқимиз учун миллий ифтихор, ўзликини англаш ва ҳамжиҳатлик рамзи бўлиб қолаверади. У

шўнчаки намойиш, шўнчаки байрам эмас, балки инсоний туйғуларни янада юксалтирувчи, уларни бирлаштирувчи ҳамда халқимиз қалби ва онгида ягона Ватан туйғусини мустаҳкамловчи бирдамлик байрами ҳамдир.

Умуман Наврўз асрлар мобайнида биз учун эзгулик тўмсоли, инсон қалбида бунёдкор, ёруғ орзу-умидлар қуртак очадиган фасл бўлиб келган ва шундай бўлиб қолажак.

— Бугунги кунда Наврўзни қайси халқ ва эллар нишонлайди?

— Наврўзни байрам қилиш Марказий Осиё ва Ўрта Шарқ мамлакатларида қадим даврлардан бошланган аъёнлардир. Дунёнинг кўпгаб халқларида баҳорги байрамлар кенг тарқалган бўлиб, у японларда — «Риссон», хитойларда «Чўлцзе», славянларда «Масленица» деган ном олган. Ҳиндистонликларнинг Наврўзга ўхшаш баҳор ойида нишонланадиган бир нечта байрамлари бор. Улар табиатнинг уйғониши билан боғлиқ, халқ орасида кенг тарқалган «Дивали», «Ҳоли», «Дашера» байрамларидир. Дивали байраминида бозорлар хилма-хил қандалат маҳсулотлари билан тўлиб кетади. Шўнинг учун ҳам болалар бу байрамни сабрсизлик билан кутадилар.


Британия оралларида ҳам баҳор байрамлари мавжуд. Улар бунчи бошқоқли ўсимликлар ўсиши учун маъқул шароит яратадиган расм-русумлар орқали ўтказишади.

Наврўз байрами арафасида янги кийим-кечак сотиб олиш эронликларга хос урф ҳисобланади. Индонезияда Соко тақвими бўйича нишонланадиган Ньепи байрами куруқ мавсумга тўғри келади. Барча бир-бирига сўв селиб, денгиз ҳудоси Барунини шарафлайди.

Догистонда Наврўз «Биринчи шўдгорлаш кун», аварларда «Ойбай», даргинларда «Кюу баҳруми», лакларда «Карас ишву» деб аталган. Доғистонда биринчи шўдгорга бутун овул йиғилган. Кўш ҳўкизлар бамисоли қўғирчоқдек безатилган. Биринчи шўдгорга сепиладиган бугдой ҳар бир хонадондан бир сижимдан олинган. Қадимги Хитойда эса қўшга ҳўкиз ўрнига янги келин-қўвлар қўшилган. Шундан сўнг оммавий сайиллар бошланиб, унда кўпаб ёшларнинг никоҳ тўйлари ўтказилган. Ер ҳўсилдорлигини ошириш ниятида ёш келин-қўвлар биринчи никоҳ кечасини янги ҳайдалган дала олдидаги сайилгоҳда ўтказганлар.

Шундай қилиб, меҳнат — Наврўзнинг бош манбаи, асл замири ҳамда илк чашмаси ҳисобланиб, у ибтидоий даврдан бошлаб яшаш, яшариш, янгиланиш, уйғониш кунини, фасли, байрами сифатида вужудга келган.

«Ўзбекистон овози» муҳбири Бобур ЭЛМУРОДОВ суҳбатлашди.



Юпитер йўлдошига



Зонд учиради

АҚШнинг Аэронавтика ва коинот кенгликларини тадқиқ қилиш миллий бошқармаси — «NASA» 2025 йилда Юпитер сайёраси йўлдоши бўлиши «Европа»га автоматик зонд учиритиш режаламоқда. Ўта қалин муз билан қопланган мазкур йўлдошда муз ости океани мавжудлиги илмий асослар билан исботланган ва демек у ерда ҳаёт ҳам бор. Яъни микроорганизмлар яшаш учун қулай шароит мавжуд бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Келгусида учирадиган зонд ўта мураккаб, аникроги, юқори радиация шароитида тадқиқот ишларини олиб боради.

«NASA»нинг бош молиячиси Бет Робинсон берган маълумотларга асосланиб «Space.com» сайти хабар тарқатишича, АҚШ президенти 2015 йилги давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқиш учун конгрессга тақдим этди. Унда аэрокосмик агентликнинг 2015 йилги бюджети ҳам ҳисобга олинган.

«NASA» келгуси йили жами 17,5 миллиард доллар микдорда молиялаштирилиши лозим. Шундан 4,97 миллиард доллар илмий тадқиқот ишлари, 1,28 миллиард доллар Марсда иш олиб бораётган, қолаверса, Юпитер ва Плутонга парвозни давом эттираётган зондлар фаолиятини ва бошқа лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун йўналтирилса, «Европа» миссиясининг дастлабки лойиҳаси учун 15 миллион доллар ажратилиши кўзда тутилган.

Бола руҳияти нозик



Тез-тез кўчиш ва бошқа мактабда ўқиш...

Буюк Британия тадқиқотчилари 14 минг бола иштирокида узоқ йиллар кузатув-тадқиқот олиб бориб, шундай хулосага келдиларки, оиланинг тез-тез янги манзилларга қўчиши ва болаларнинг мактабни тез-тез алмаштириши улар руҳиятига акс таъсир кўрсатаркан. Бу 60 фоиз болада кузатилаган. 5,6 фоиз бола эса ҳатто галлюцинацияни (йўқ нарсаларнинг кўриниши, эшитилиши, сезилиши) бошидан кечирган.

Экспертлар бунини «стресс»нинг натижаси дея баҳоламоқдалар. «Дети Mail.Ru» сайтидаги хабарда қайд этилишича, янги манзилга қўчиб яшаш ва натижада руҳий ўзгаришларга бориш болада руҳий ўзгаришларни юзага келтиради. Биринчи галда аввалги дўстларидан айрилишни енгиш қийин кечса, иккинчи галда, янги дўстлар орттириш масаласи қийнабди. Ҳадеб янги жойга қўчавериш эса бора-бора болада айрилишга бепишанд қараши, янги дўстлар орттириш масаласига ҳам бепарво бўлиш қўнқимасини ҳосил қиларкан.

Таъминот яхшиланади

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

«Ўзтрансгаз» акционерлик компанияси томонидан «Республикамиз аҳолиси ва иқтисодий тармоқларини табиий газ билан узлуксиз таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар, асосий вазибалар ва истиқболдаги режалар» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда компаниянинг масъул ходимлари иштирок этди.

— Ўтган йилги куз-қиш мавсумида юзага келган муаммоларни ҳолатлар юзасидан келиб чиққан ҳолда 2014-2015 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари жорий йилнинг 1 мартидан бошлаб юборилди, — дейди компания директори ўринбосари вазибасини бажарувчи Акмал Эшонқулов. — Мавсумга тайёргарлик ҳамда республика тақсимоти тизими ишончилигини ошириш мақсадида бир қатор таъминот техника тадбирларини амалга ошириш режалаштирилган. Чўночнинг, мавжуд газ қувурларининг 112,6 километр қисми капитал таъмирланади ва 139,1 километр қисми реконструкция қилинади. 75441 газ таъминлаш пункти техник ревизиядан ўтказилади, 125 таси капитал таъмирланади. Ер

ости газ қувурларининг 8213,7 километр қисми босим остида синалган ва 6179 километр узунликдаги газ қувурлари асбоблар ёрдамида техник диагностикадан ўтказилади. Мазкур тадбирларни амалга ошириш учун компания томонидан жорий йилда 30 миллиард 921 миллион сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Айтиш жоизки, аҳолини газ билан таъминлаш мақсадида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Республика газ таъминоти тизимини 2013-2015 йиллар давомида истиқболли ривожлантириш ҳамда мавжуд тизимини янада такомиллаштириш дастури»га асосан газ қувурлари ва ундаги иншоотларда содир бўлиши мўмкин бўлган авария ҳолатларини тезкорлик билан бартараф этиш учун худудий газ таъминоти корхоналарига 14 та экскаватор механизмлари, авария диспетчерлик хизматлари тезкорлигини ошириш мақсадида 150 дон «DAMAS VAN» фургони харид қилинди.

Аҳолига суюлтирилган газ етказиб берилишида узултишларнинг олдини олиш мақсадида жойларда 564 минг 277 дон янги айланма газ баллонлари, 130 дон газ баллонлари ташувчи «Isuzu» махсус автомашиналари, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларига суюлтирилган газни ташиб чиқариш учун 10 дон «MAN» автомашиналари етказиб берилди. Яшаш пунктларига яқин худудларда 22 та янги газ баллонлари сотиш сервис марказлари қуриб ишга туширилди.

Жорий йил 25 августгача жойларда қўшимча 20 та маийший газ баллонларига суюлтирилган газ тўлдириш пунктлари қурилади. Йил охиригача эса аҳоли хонадонларига янада қулайликлар яратиш мақсадида газ таъминоти корхоналарига жами 600 мингта айланма маийший газ баллонлари етказиб бериш чоралари қўрилмоқда.

Тадбир сўнггида компаниянинг масъул ходимлари журналистларни қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб берди.

Тоштемур ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

РЕКЛАМА

«BUXORO GLOBAL REALTOR» МЧЖ

бошлангич баҳоси бошқичма-бошқич ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Хўсуийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Бухоро вилояти худудий бошқармасининг 2013 йил 29 ноябрдаги ҳамда 2013 йил 2 декабрдаги буйруқларига асосан, яқка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган қўйдаги ер майдонларини мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгаллик қилиш ҳўқуқлари такоран қўйилмоқда.

1. Бухоро тумани, Кўнжи Қалъа ҚФЙ, Новметан кишлоғи худудидида яқка тартибдаги уй-жой қуриш учун мўлжалланган 400,0 кв. метрдан иборат ер майдони. Ер майдонига бўлган ҳўқуқнинг бошлангич баҳоси 1 000 000 сўм.
2. Когон шаҳри, 8-сон МФЙ, Зиёкор кўчаси худудидида яқка тартибдаги уй-жой қуриш учун мўлжалланган 400,0 кв. метрдан иборат 8та (4, 5, 6, 7, 8, 9, 11, 24) ер майдонлари. Ер майдонларига бўлган ҳўқуқнинг бошлангич баҳоси 384 000 сўм.
3. Когон шаҳри, 2-сон МФЙ, М.Таробий кўчаси худудидида яқка тартибдаги уй-жой қуриш учун мўлжалланган 400,0 кв. метрдан иборат ер майдони. Ер майдонига бўлган ҳўқуқнинг бошлангич баҳоси 384 000 сўм.
4. Когон шаҳри, 4-сон МФЙ, Амрбод кўчаси худудидан яқка тартибдаги уй-жой қуриш учун мўлжалланган 400,0 кв. метрдан иборат 2та (2, 4) ер майдонлари. Ер майдонларига бўлган ҳўқуқнинг бошлангич баҳоси 420 000 сўм.

Талабгорлар диққатига!
Аукцион қўлиби савдо ўтган кўндан бошлаб 20 кун мўддат ичида ерга бўлган ҳўқуқни тасарруф қилиш бўйича олди-сотди шартномасини тузиши ҳамда олди-сотди шартномасига асосан мулк учун тўловларни амалга ошириш юқлатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун ташкилотчиси томонидан расмий иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кўндан бошлаб қабул қилинади. Бўртма-номаларни қабул қилиш 2014 йил 15 апрель соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидида бўлган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошлангич баҳосининг 15 фоизи микдоридида закалат пулини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нўсхаси, юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, низоом нўсхаси, вақил иштирок этганда ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси 2014 йил 16 апрель кунини соат 12:00да Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қаватнинг савдолар майдончасида бўлиб ўтади.

Мазкур ер участкалари 2014 йил 16 апрель кунини ўтказиладиган очик аукцион савдосида сотилмаган тақдирда ер майдонларининг такорий аукцион савдоси 2014 йил 16 май кунини соат 12:00да ўтказилади.

Такорий савдо учун бўртма-номаларни қабул қилиш охириги мўддати: 2014 йил 16 май савдоси учун 2014 йил 15 май кунини соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат пулини савдо кўнига қада «Buxoro Global Realtor» МЧЖнинг ДТ «Халқ банки» Бухоро филиали х/р: 20208000600251607001, МФО 00116, СТИР 302668377 тўлашлари лозим.

Кўшимча маълумотлар билан танишиш ва бўртма-номаларни қабул қилиш манзили: Мустақиллик кўчаси, 10-уй. **Телефон:** (+99893) 960-69-00, **факс:** (+99865) 221 54 43. **E-mail:** www.bar.gl.uz

Лицензия: RL 0171

БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ




барча ҳамюртларимизни
эзгулик ва баҳор байрами —
Наврўзи олам билан
муборакбод этади.



Ватанимиз тараққиёти,
халқимиз фаровонлиги
йўлидаги эзгу ишларингизда
муваффақият тилайди.

**БАЙРАМИНГИЗ
МУБОРАК БЎЛСИН,
АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!**



MUASSIS:

O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farruh HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonangiz manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.Г — 360
22072
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'ZA yakuni — 21.45
Topshirilgan vaqti — 23.45

Sotuvda kellehlgan narxda

Navbatchi:

Alisher RO'ZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5